БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 69 (16.152) • 23 март 1975 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1975 йилда мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан Тошкент область колхозчилари, совхоз ходимларининг социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига, колхозлар ҳамда совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш халқ хўжалиги планларини ва давлатга маҳсулот сотиш мажбуриятларини бажариш, шунингдек 1975 йилда аҳолини мева маҳсулоти билан таъминлашни яхшилаш юзасидан барча зарур тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ташкилий ва сиёсий ишни кучайтириш таклиф этилади.

Республика, область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига хўжаликларда, районларда ва областларда социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилишини кенг ёритиш топширилди.

Тошкент область колхозчилари, совхоз ходимларининг социалистик мажбуриятлари газетанинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда.

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—БЕШ ЙИЛЛИККА!

АГРАР СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

«Биз қишлоқ хўжалиги экономикасини ривожлантириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир деган фикрга амал қилмоқдамиз», — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бундан ўн йил муқаддам партия Марказий Комитети март Пленумида қилган докладида. Ҳақиқатан ҳам бутун партия, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети март Пленумининг СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисидаги қарорини мамлакат экономикасини юксалтириш ва халқ фаровонлигини яхшилаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ва ҳаётий зарур иш деб кутиб олдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг март Пленуми кун тартибига халқ фаровонлигини оширишнинг энг ҳаётий омилларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш масаласини қўйиб, партиянинг яқин келажакка мўлжалланган аграр сиёсатини ишлаб чиқди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш — коммунизмни муваффақиятли қуриш йўлидаги ҳаётий зарур ишларимиздан бири эканлиги, бу вазифани ҳал қилмоқ учун қишлоқ хўжалигига энг аввало мустаҳкам иқтисодий негиз яратиб берилмоғи лозимлиги ана шу Пленумда алоҳида таъкидланди. КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумининг тарихий аҳамияти шундаки, у қишлоқ хўжалиги ўсиши суръатлари орқада қолаётганлигининг асосий сабабларини партиявий принципиаллик ва донолик билан кўрсатиб берди, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни рўй-рост очиб ташлади. Уларни бартараф этишнинг энг тўғри йўлларини кўрсатиб берди. Ана шу Пленумда раҳбарликдаги маъмуриятчилик, дабдабабозлик, буйруқбозлик кўринишлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва хўжалик раҳбарлари ишига ҳадеб аралашавериш практикаси қаттиқ қораланди. Пленум қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун раҳбарликнинг ленинча принципларга қатъий амал қилишни, партиянинг ташкилий раҳбарлигини янги поғонага кўтаришни ниҳоятда зарур вазифа қилиб қўйди. Ташкилий раҳбарлик савияси қанчалик юқори бўлса, хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар шу қадар баранали бўлиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон партия ташкилоти ўтган ўн йил ичида КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда дадил қадамлар қўйишга муваффақ бўлди. Область, район ва бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги оширилди. Энг аввало коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлиги ва азанғардлик ролини оширишга, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ҳамда партиявий иш таъсирчанлиги ва самарадорлигини кучайтиришга эришилди. Колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган ва уларнинг хўжаликка партиявий раҳбарлик роли кескин оширилгани натижасида қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларга муваффақ бўлинди. Хўжаликлар экономикасини юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш партия органлари фаолиятининг мезонига айланди. Кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш яхши йўлга қўйилди. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида интизом мустаҳкамланди, топширилган иш учун ҳар бир коммунистнинг масъулияти оширилди. Юқори партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари қабул қилган қарорлар ижросини таъминлашда ҳар бир коммунистнинг актив қатнашишига эришса бошладилар. Амалга оширилган бу чоралар қишлоқ хўжалигининг асосий проблемаларини муваффақиятли ҳал қилиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириб, хўжаликларнинг барча тармоқлари рентабелли бўлишига эришиш имконини берди.

Республикамизда ўтган ўн йил ичида деҳқончилик маданиятини ошириш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Алмашлаб экиш изга солинди, қишлоқ хўжалиги фани ривожланиб, фан билан амалиёт алоқаси мустаҳкамланди. Пахтачилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Республика миқёсида жуда катта ҳажмда ирригация ва мелиорация ишлари бажарилдики, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш имкони очилди. Буни биргина пахта ҳосилдорлигини кўтаришда ҳам кўришимиз мумкин. 1964 йилда республикамизда пахта ҳосилдорлиги 22,6 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили республикамизнинг азамат пахтакорлари пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган 30,8 центнерлик маррани эгалладилар. Мамлакатга ҳар қачонгидан кўп—5 миллион 330 минг тонна пахта топширилди. Пахтачиликни комплекс механизациялашда дадил қадам ташланди. Бутун-бутун районлар, юзлаб хўжаликлар экономикаси беқиёс юксалди, бу тараққиёт газетамизнинг бугунги махсус саҳифасида эълон қилинаётган қатор материалларда ҳам акс этган. Ана шу муваффақиятлар энг аввало республикамиз партия ташкилоти ва азамат деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми ишлаб чиққан партиянинг аграр сиёсат программасини оғишмай амалга ошириб бораётгани шарофатидир.

Биз март Пленумининг шарофатини биргина пахтачиликда эмас, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги мисли кўрилмаган тараққиётда ҳам кўришимиз мумкин. Бундан ўн йил муқаддам республикамизнинг жуда кўп хўжаликлари чорвачиликдан зарар кўриб, бу зарарни пахтадан олинган даромад билан қоплаб келган бўлсалар, эндиликда республикадаги жуда кўпчилик хўжаликлар чорвачиликдан жуда катта фойда кўрмоқдалар. У рентабелли соҳага айланиб бормоқда. Бундан ташқари республикамиз партия ташкилоти март Пленуми кўрсатмаларига амал қила бориб, чорвачилик комплекслари қуриш билан бу соҳанинг рентабеллигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш йўлини оғишмай ўтказмоқда.

Март Пленумида хўжаликларда ишлаб турган мутахассислар етарли эмаслиги, уларнинг ўз соҳалари бўйича зарур билим ва тажрибасини оширишга кам эътибор берилаётганлиги ,ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатаётган қобилиятли ва ишбилармон кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда астойдил иш олиб борилмаётгани алоҳида таъкидланган эди. Республикамиз партия ташкилоти ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан кадрларнинг етуклигига боғлиқ эканини назарда тутиб, кадр танлаш ва тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берди. Кейнинги ўн йил ичида хўжаликлар ишнинг кўзини биладиган ўқимишли мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланди. Юксак профессионал тайёргарлик билан ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш таланти ўзида мужассамлаштирган кўплаб ташаббускор ёшлар қишлоқ хўжалигида раҳбарлик лавозимларига кўтарилдилар.

Тарихий март Пленуми деҳқонларимиз ҳаётига жуда катта янгиликлар олиб кирди. Ана шу Пленумдан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари оширилди. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди. Бугина эмас, март Пленумидан кейин қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини янада яхшилаш учун катта маблағлар ажратила бошланди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари март Пленумининг ўн йиллиги нишонланаётган мана шу навбаҳор кунларида бу йилги улкан ҳосил учун уруғ қадашга тайёргарлик кўрар эканлар янада юқсак марраларни кўзлаб янги ҳаётбахш режалар тузмоқдалар. Партия ташкилотлари эса партиямиз аграр сиёсатини ҳар қачонгидек жанговарлик билан амалга ошира бориб, барча коммунистларни ва дала меҳнаткашларини беш йилликни муносиб якунлаш ва коммунистик мўл-кўлчилик яратиш ишига сафарбар этмоқдалар.

ЧИГИТ ЕРГА ТУШДИ

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сурхон воҳасида кунлар исиб, баҳор шабадаси ғаралла эса бошлади. Областнинг жанубий районларида тупроқнинг ҳарорати нормал даражага кўтарилганлиги туфайли деҳқонлар чигит экишни бошлаб юборишдилар. Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг Т. Чориев бошлиқ илгор бригадаси аъзолари областда биринчи бўлиб, ерга уруғ ташладилар. Улар беш йиллиннинг якунловчи йилида чигитни барвақт экиш билан ҳосилдорликни гектар бошига яна тўрт центнерга ошириб, 50 центнердан хирмон кўтаришга сўз бердилар. Тракторчи Х. Рўзиев билан сеялкачи Ж. Хўжакелдиевлар дастлабки куни 10 гектар майдонга чигит экдилар. Чигит экишни узоғи билан бир ҳафтада тугаллашга сўз бердилар.

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг машҳур пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамов бошлиқ бригада аъзолари ҳам чигит экишни пухта ҳозирлик ва уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар. Улар бу йил 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар.

А. ҲАЛИЛОВ.



Катта Наманган канали муддатидан деярли бир йил аввал ишга туширилмоқда. Унинг биринчи навбати ўтган йили май ойидан бошлаб далаларга обн ҳаёт бера бошлаган эди. Воҳанинг сунъий дарёси Норин дарёсидан таъминланиб, кучли насослар сувни 76 метр баландликка кўтариб беради. Суратда: каналнинг бош иншооти. А. Усмонов ва Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ТАСС).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

НАМАНГАН, 22 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Наманган область партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари беш йиллиннинг якунловчи йили ва умуман беш йиллик халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида область партия комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимовнинг докладини муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Азимов, Поп районидаги Ленин номли совхознинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Одилов, Учқурғон район партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳасанов, Намангандаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газлама комбинатининг йигирувчиси А. Титомолова, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг маккажўхорикорлар бригадасининг бошлиғи М. Раҳмонқулов, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхознинг сут соғувчиси Л. Корякина, «Наманганводстрой» трестининг бошқарувчиси Т. Абдуллаев область меҳчаткашлари КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Барча қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида экишга киришиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш муҳокама этилган масала юзасидан тегишли резолюция қабул қилди.

* * *

Шу куни Ш. Р. Рашидов тантанали вазиятда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини Наманган шаҳрига топширди. Наманган шаҳридаги саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари 1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида жуда катта натижаларга эришганлиги учун бу шаҳар ана шу байроқни олишга сазовор бўлди.

Ишлаб чиқариш илғорларининг катта бир группасига орден ва медаллар топширилди. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва 1974 йилда халқ хўжалик планларини ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда зўр ғайрат билан меҳнат қилганликлари учун орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни мухокама қилди. Ф. Ю. Турсунов Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси, К. С. Крюков, С. А. Асқатуров, Т. Ф. Қодирова раис ўринбосарлари қилиб сайланди.

М. С. Булатов ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ДИЁРИДА ШОДИЁНА УЧРАШУВ

ГАМБИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон пойтахти 22 март куни кечқурун ҳурматли меҳмон — Гамбия Республикасининг Президенти Дауда Кайраба Жаварани шодиёна кутиб олди. Президент СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан мамлакатимизда расмий визит билан меҳмон бўлиб турибди.

Барча совет кишилари каби республикамизнинг меҳнаткашлари ҳам Африкадаги ана шу ёш давлат халқига нисбатан самимий ҳайриҳоҳлик туйғуларини изҳор қилмоқдалар. Гамбия халқи Африкадаги бошқа халқлар билан биргаликда янги ҳаёт барпо этиш йўлига ўтди ва ўз суверенитетини мустаҳкамлаш учун, бутун қитъани мустамлакачилик ва ирқчилик кишанларидан узил-кесил халос қилиш учун ҳаққоний кураш олиб бормоқда. Совет кишилари жаҳонда биринчи социалистик давлат бўлмиш бизнинг мамлакатимиз барча халқлар учун ҳуқуқий тенглик ва озодлик йўлидаги кураш байроғини баланд кўтарганлиги ҳақида гапириб, Гамбия Республикаси бунга юксак баҳо бераётганлигини самимий мамнуният туйғулари билан таъкидламоқдалар.

Шу куни Тошкент аэропорти байрам либосини кийди. Гамбия Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари баланд кўтарилди. Шаҳар меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари Африкадаги ана шу дўст мамлакатдан келган меҳмонларни табриклаш учун бу ерга келишди.

Ҳаво лайнери ерга қўниб, аэровокзал томон йўл олади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, республика Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов ва бошқа расмий кишилар Гамбия Республикасининг Президенти Д. К. Жаварани кутиб оладилар.

Гамбия Республикасининг Президенти билан бирга ташқи ишлар министри Алиу Бадара Нъдьай, Президент маҳкамаси ҳузуридаги давлат министри Кебба Н. Ли, молия ва савдо министрлигининг парламент секретари Фамара В. Турей, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар министрлигининг парламент секретари М. С. Жаллоу, Президент маҳкамасининг бош секретари Эрик Х. Кристенсен, полиция бош инспектори (куролли кучлар қўмондони) Гарри Л. Эванс, ташқи ишлар министрлиги доимий секретарининг ўринбосари М. Б. Бадда, ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Шайх Муо Жанк ҳам Тошкентга келишди.

Ҳурматли меҳмоннинг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. А. Халилов, СССР ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Ю. Н. Черняков, СССРнинг Гамбия Республикасидаги элчиси Г. А. Тер-Газарянц унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Ҳурматли меҳмон аэропортдан мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзи учун ажратилган резиденция томон йўл олади. Машиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар байроқлар ҳамда табрик транспарантлари билан безатилган эди. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қишлоқ хўжалик ходимларининг 1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган республика социалистик мусобақасининг якунлари тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда сотишни кўпайтириш учун бошланган социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқдилар.

Қуйидагилар республика мусобақасининг ғолиблари деб топилди ҳамда дипломлар ва мукофотлар билан бирга Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди.

РАЙОНЛАР

Избоскан, Ульянов ва Самарқанд — биринчи мукофот билан Нарпай, Ўзбекистон, Калинин, Денов ва Боғот — иккинчи мукофот билан Хўжайли, Ромитан, Навоий, Жиззах, Норин, Боёвут ва Хонқа — учинчи мукофот билан.

КОЛХОЗЛАР: ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Тўрткўл районидаги Охунбобоев номли, Беруний районидаги Орджоникидзе номли колхозлар.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Балиқчи районидаги «Социализм», Бўз районидаги Энгельс номли, Марҳамат районидаги «Ильич» номли, Қўрғонтепа районидаги Энгельс номли, Пахтаобод районидаги «Коммуна», Москва районидаги «Коммунизм», Ленин районидаги «Победа» колхозлари.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Вобкент районидаги «Зарафшон», Бухоро районидаги «Маданият», Ромитан районидаги Энгельс номли, Олот районидаги «Шарқ юлдузи», Қизилтепа районидаги «Москва» колхозлари.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Косон районидаги Ленин номли, Китоб районидаги Куйбишев номли, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозлари.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Наманган районидаги «Коммунизм», Учқўрғон районидаги «Янгиобод», Янгиқўрғон районидаги «XXII партсъезд», Поп районидаги «XXII партсъезд» номли колхозлар.

(Давоми учинчи бетда).

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ, КАМБОДЖА МИЛЛИЙ БИРЛАШГАН ФРОНТИ РАИСИ САМДЕК НАРОДОМ СИАНУККА

Камбоджа Миллий бирлашган фронти ташкил этилганлигининг 5 йиллиги муносабати билан Сизга, Камбоджа Миллий бирлашган фронтининг раҳбарларига, мамлакатнинг барча тараққийпарвар кучларига қутловлар йўллайман.

Совет халқи Камбоджа ватанпарварларига доимо ҳайриҳоҳлик билдириб, ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун курашда уларни қатъий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз Камбоджа Миллий бирлашган фронти тузилганидан буён ўтган беш йил мобайнида Камбоджа ватанпарварлари эришган ажойиб муваффақиятлардан сизлар билан бирга хурсанд бўлмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда халқларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдираман.

Н. ПОДГОРНИЙ.

Москва, Кремль,
1975 йил, 22 март.

ИХТИРОЧИЛАРНИНГ КАТТА КЕНГАШИ

19 мартда Москвада ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти активининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда беш йиллиннинг якунловчи йилидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кенгашда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти марказий кенгашининг раиси Г. П. Софонов ва СССР Министрлар Совети Ихтиролар ва кашфиётлар ишлари давлат комитетининг раиси Ю. Е. Максарев кенгашда доклад қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди. Актив йиғилиш иштирокчилари беш йиллиннинг якунловчи йилидаги мажбуриятларни муваффақиятли бажарамиз, деб Марказий Комитетни ишонтирдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС Раиси А. Н. Шелепин қатнашди. (ТАСС).

ЛУИЖИ ЛОНГОГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

РИМ, 20 март. (ТАСС мухбири). Италия Коммунистик партиясининг XIV съезди давом этаётган Римдаги спорт саройи шодиёна маросимнинг шоҳиди бўлиб қолди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко Италия Коммунистик партиясининг Раиси Луижи Лонгога Ленин орденини топширди

А. П. Кириленко Л. Лонгога унинг 75 йиллиги муносабати билан Италия Компартияси Раиси номига КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев йўллаган табрикномани топширди.

А. П. Кириленко сўзининг қисқарида СССР Олий Совети Президиумининг Луижи Лонгони Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб беради.

Луижи Лонго табрикка жавобан ўз фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун совет кишиларига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневга самимий ташаккурини топширишни А. П. Кириленкодан илтимос қилди. (ТАСС).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ҚАРШИ, 22 март. (ЎзТАГ). Бу ерда партия, совет, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари область активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республика Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев Қашқадарё областига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. Қашқадарё области беш йиллиннинг тўртинчи йили социалистик мажбуриятларини ошириб бажарганлиги учун шу юксак мукофот билан тақдирланди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойипов, Китоб райони партия комитетининг биринчи секретари Т. Чориев, Муборак ғазни қайта ишлаш заводининг директори А. Шевкин, Қарши тикувчилик фабрикасининг тикувчи моористи М. Бурҳонова юксак мукофотга жавобан область меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар, дедилар.

Қишлоқ хўжалик илғорларининг катта бир группасига ҳукуматнинг олий мукофотлари топширилди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежневга табрик телеграммаси йўлладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1965 ЙИЛ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ—АМАЛДА

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИКИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИНИ ПАРТИЯ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ МАМЛАКАТ ЭКОНОМИҚАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҒОЯТ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЭНГ МУҲИМ ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУР ИШ ДЕБ КУТИБ ОЛАДИЛАР.

(КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қароридан).

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари асосида республикамизда янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Қарши чўли давримизнинг қаҳрамонлик ва шижоат майдонига айланди. Чўли Бегимқулов номли совхоз янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган қалдирғоч хўжаликларидан бири. Бу ерда қурилиш кенг кўламда олиб борилаётир, чўлқувар пахтакорлар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилаётир. Суратда: совхоз посёлкасининг умумий кўриниши.

З. Пенсон фотоси.

ЁРҚИН ЙЎЛ

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорларида чорвачиликни кескин ривожлантириш ,уни рентабелли соҳага айлантириш тадбирлари алоҳида ўрин олган эди. Совхозимиз партия ташкилоти шу кўрсатмаларга амал қилиб, чорва комплекслари қуриш, қўл меҳнатини механизациялаш тадбирларини амалга оширди. Ҳозир йирик чорва комплекси ишлаб турибди. Шу туфайли икки минг бошга яқин қора мол, тўрт минг бош қўй, минг бошдан ортиқ чўчқани парвариш қилиб, давлатга кўп миқдорда чорва маҳсулотлари етказиб беришга эришмоқдамиз. Чорвачилик рентабелли соҳага айланди. Ўзим ҳар бош сигирдан йилига 3 минг 500 килограммдан сут соғиб олаётирман.

С. АСЛАНОВА,
Бухоро область Навоий районидаги Ленин орденли «Нарпай» совхозининг сут соғувчиси, КПСС аъзоси.

РАҲБАРЛИК САНЪАТИ

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан буён ўн йил ўтди. Пленум қишлоқ хўжалиги соҳасида энг тўғри йўлни кўрсатиб берди, партиянинг ташкилий раҳбарлик савиясини янги поғонага кўтариш вазифасини қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида бундай деган эди: **«Қишлоқ хўжалигини иқтисодий чоралар партиянинг ташкилий раҳбарлигини янги поғонага кўтаришни жуда зарур вазифа қилиб қўймоқда. Ташкилий раҳбарлик савияси қанчалик юқори бўлса, хўжалиқ соҳасидаги муваффақиятлар шу қадар баракали бўлишини турмушнинг ўзи кўрсатади».**

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари Пленум кўрсатган йўлдан бордилар. Ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш Пленум ишлаб чиққан тараққиёт режаларини чуқур ўрганиб уларни амалга оширишни виждон амри, инсоний бурч деб билди. Район партия ташкилоти ўз фаолиятида партиявий раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштиришга, омма ўртасида ташкилотчилик ишлари олиб боришга, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишига, тоширилган иш учун уларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берди.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги ва коммунистларнинг авангардлигини ошириш, омманинг ташаббуси ва ижодий активлигини қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳам анча ишлар қилди. Районда 115 та бошланғич, 297 та цех партия ташкилотлари, 27 та партия группаси бўлиб, уларнинг ҳисобида 4200 дан ортиқ коммунист бор. Булар партия ўртага қўяётган вазифаларни жанговарлик билан ҳал қилишга қодир бўлган катта куч-дир.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳаммаси олий маълумотга эга. Улар орасида билимдон, партиявий ишни чуқур биладиган, ишчан, ташкилотчи кадрлар кўп. Цех партия ташкилотларининг секретарларидан кўпчилиги бу ишга биринчи марта сайланган кишилардир. Шу сабабли район партия комитети уларга мунтазам амалий ёрдам бермоқда.

Ютуқлар гарови бўлган социалистик мусобақага раҳбарлик яхшиланди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари мусобақанинг таъсирчанлиги, самарадорлиги ва оммаоралигини таъминлаб, унда ҳамманинг ҳам актив иштрок этишига эришмоқдалар. Районда ҳар бир деҳқон, механизатор ва чорвадор шахсий мажбуриятлар олиб ишлашга одатланган. Колхозлар ўртасида учта кўчма Қизил Байроқ таъсис этилган. Мусобақа вақтида яқунлаб борилади. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

Ташкилотчилик ҳамда ғоявий-тарбиявий ишлар яхши самаралар берди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин ўтган ўн йил ичида районда ишлаб чиқаришга даҳлдор бўлган асосий фондлар бир ярим баравар ўсди. Район колхоз ва совхозлари ҳар йили ўртача 200-250 та қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Бўлинмас фонд бойиди. Минерал ўғит таъминоти 1,3 баравар ортди. Маҳсулот олиш интенсив йўл билан ривожланиб борди. Пахта, дон, сабзавот етиштириш кескин кўпайди.

Масалан, 1965 йилда район бўйича 63,6 минг тонна пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 27,6 центнерга тўғри келган эди. Ўтган давр мобайнида пахта майдони алмашлаб экиш ҳисобига 2,5 минг гектар камайган бўлса ҳам ялпи ҳосил озаймади, аксинча кўпайди. Бултур давлатга 65,5 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳар гектар ердан 31,6 центнердан хирмон кўтарилди.

Районда сабзавот ва дон етиштириш салмоғи ҳам ошди. 1965 йилда 819 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 125 центнердан жами 10300 тонна сабзавот олинганди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 207 центнердан ёки жами 27,4 минг тонна сабзавот олинди. Ўн йил аввал район бўйича гектаридан аранг 6,8 центнердан дон олинган эди. Бултур гектаридан 48,7 центнер арпа, 68,3 центнер маккажўхори дони, 44,5 центнер шоли қўтарилди.

Чорвачилик соҳасида ҳам юксалиш йўлига чиқиб олдик. Илгари чорвадан йилига 1-1,5 миллион сўм зарар кўрилган бўлса, ҳозир у рентабелли соҳага айланди. Ўн йил давомида қорамоллар, қўйлар, паррандалар сони ортди. Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш 25 процент, сут — 1,8 баравар, тухум — 3,7 баравар, мева — 1,4 баравар кўпайди. Районда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 832 килограммдан 2040 килограммга етди. Олтита колхозда 2 минг бош сигирга мўлжалланган чорвачилик комплекси, кўп хўжаликларда озуқа цехлари қурилди.

Партиямизнинг аграр сиёсати колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлади, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги ошди. Уй-жой ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриш ишлари тезлашди. Ободонлаштириш соҳасида кўп ишлар қилинди. Район маркази ва қишлоқ қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди.

Ютуқларимиздан хурсандмиз. Лекин олдимизда янги, яна ҳам мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Район партия комитети КПСС Марказий Комитетя 1974 йил декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII Пленуми қарорларига жавобан беш йилликни ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаш режаларини тузиб чиқди. Пахтакорларимиз мавжуд резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига бу йил 66 минг тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни 33 центнерга етказадилар. Чорвадорларимиз, пиллакор ва сабзавоткорларимиз ҳам оширилган мажбуриятлар олишган. Район партия ташкилоти бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун партия ташкилотларининг жанговарлиги, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини ошириши, барча меҳнаткашларни олинган мажбуриятларни муддатидан илгари уддалаш учун курашга сафарбар қилади.

Ш. ЕҚУБОВ,
Андижон район партия комитетининг биринчи секретари.

КАДРЛАР КАМОЛОТИ

Ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан кадрларнинг етуклигига боғлиқ. Коммунистик партия ўз фаолиятининг ҳамма босқичларида бу муҳим масалага катта эътибор бериб келмоқда. Партия ташкилотлари Владимир Ильич Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ташкилотчилик талантига эга бўлган ўқимишли ва меҳнатсевар кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтармоқдалар.

Партия комитети кадрлар танлаш ва тарбиялаш масалаларига ҳам катта аҳамият бериб қараётган бўлди. Энди биз хўжаликнинг бирон участкасига раҳбар тайинлайдиган бўлсак, унинг маълумоти, ташкилотчилиги ва бошқа сифатларини энг олдин партия комитети ва правлениеда биргаликда кўриб чиқамиз, шундан сўнггина бир хулосага келамиз. Бундан ташқари, биз колхоз ишлаб чиқаришида бир неча йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган, бу соҳада маълум тажриба тўплаган, лекин ўзи эгаллаб турган лавозими бўйича мутахассислик дипломига эга бўлмаган раҳбарларни сиртдан ўқиб билим олишга даъват этдик. Масалан, зоотехник Мамадали Умаралиев, бош агроном Давронбой Азимов ўртоқлар ана шундай йўл билан олий маълумотли мутахассис бўлиб етишдилар. Умуман, шу кунда хўжалигимиз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоғини олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган қишилар бошқармоқдалар. Бригада бошлиқларимиздан Жўрабой Ҳолиқов ва Набижон Сотволдиевлар эса Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг сиртқи бўлимида ўқиб, битириб чиқдилар.

Биз кадрлар тайёрлашда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми кўрсатган йўлдан бориб, ишлаб чиқаришда ўзининг ҳар тарафлама юксак фазилатлари билан танилган ёшларни раҳбарлик вазифаларига кўтариш масаласига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Масалан, бундан уч йил илгари Зокиржон Шарипов колхозимизнинг 16-бригадасида оддий механизатор эди. Уни бригадирликка тавсия қилдик. Колхоз партия комитети ва правлениеси янглишмаган экан. Ҳозир Зокиржон Шарипов бошлиқ бригада коллективи пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан хўжалигимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган.

Колхозимизнинг ишчан ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланаётганлиги ишлаб чиқаришни юксалтириш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда кўл келмоқда. Колхозимиз пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан районимиз хўжаликлари ичида пешқадамлар сафидан жой олди. Беш йилликнинг тўртинчи йилида 1180 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34,7 центнердан хирмон кўтарилди. Ленин ордени кавалери Унсинжон Холмирзаева, Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери Жўрабой Ҳолиқов, Алимқул Исломқулов ўртоқлар раҳбарлик қилишаётган бригадаларда эса ҳар гектар майдондан 42-38 центнерга етказиб ҳосил йиғиштириб олинди.

Ж. ТОЖИДДИНОВ,
Норин районидаги Ильич номли колхоз партия комитетининг секретари.

МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР УЧУН

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛҚСМ Марказий Комитетининг «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида беш йилликнинг якунловчи йилида меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун «1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» деган ягона умуминттифоқ нишони таъсис этилди.

1975 йил 7 март куни ВЦСПС Президиуми нишон нусхасини ва нишон тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

«1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони билан 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришган корхоналар, қурилишлар, совхозлар ишчилари ва колхозчилар, шунингдек, раҳбар инженер-техник ходимлари, хизматчилари, илмий-тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари, ҳамда бошқа ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари мукофотланадилар.

«1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони билан йил давомида, шунингдек йил якунлари юзасидан Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари СССР Министрлиги (идораси) билан касаба союзлари Марказий Комитетининг қўшма қарорига мувофиқ Иттифоқ—республика ва республика қарамоғидаги корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ходимлари — Иттифоқдош республика министрлиги (идораси) билан касаба союзлари республика комитети ёки тармоқ республика комитети йўқ бўлган жойларда касаба союзлари Советининг (РСФСРда — РСФСР Министрлиги (идораси) билан касаба союзлари Марказий Комитетининг қўшма қарорига мувофиқ; район, область, ўлка қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларнинг, совхоз ва колхозларнинг ходимлари — область (ўлка) ижроия комитети билан касаба союзлари область, ўлка Советининг қўшма қарорига мувофиқ мукофотланадилар.

«1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони билан мукофотлаш тўғрисида корхона, ташкилот, муассаса, колхоз маъмурияти, касаба союз комитети ва комсомол комитети тақдимнома ёзадилар. Рўйхатлар тегишли министрликлар, идоралар, область (ўлка) ижроия комитетларига юборилади.

Умуминттифоқ «1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» ягона Бутуниттифоқ нишони белгиланган нусхадаги гувоҳнома билан бирга меҳнаткашларнинг йиғилишларида тантанали вазиятда топширилади. Мукофотланган кишининг меҳнат дафтарчасига шу нарса ёзиб қўйилади.

«1975 йил социалистик мусобақасининг ғолиби» нишони кўракнинг ўнг тарафига, орденларнинг остига тақилади. (ТАСС).

ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

Совхозимиз Амударё соҳилидаги қўриқ ерда 1964 йилда тузилган эди. Биринчи йили 1000 гектар ерни ўзлаштириб шоли экдик. Ялпи ҳосил 2370 тоннани, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги эса 23,7 центнерни ташкил қилди.

Ўтган ўн йил мобайнида шолининг умумий майдони 1000 гектардан 2300 гектарга кенгайтирилди. Ўтган йили ялпи ҳосил 19 минг тоннадан ошди. Ҳосилдорлик 60 центнерга етказилди. Тўққизинчи беш йиллик план эса тўрт йилда ошириб адо этилди. Планда белгиланган 51 минг тонна ўрнига 59 минг тонна шоли етиштирилди. Совхоз партия ташкилоти ишлаб чиқаришга раҳбарликни тобора такомиллаштириб бориб, мўл ҳосил учун курашда коммунистларнинг активлигини ва ташаббускорлигини оширишга эришмоқда. Партия ташкилоти ҳисобидаги 157 коммунистнинг қарийб 85 проценти бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётир. Коммунистлардан Абдуқодир Жуманиёзов, Ким Константин бошлиқ бригадалар якунловчи йилда 65-70 центнерчилик ҳаракатини бошлаб бердилар. Март Пленуми қарорлари ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини турмуш тўла тасдиқлади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти юзасидан КПСС XXIV съезди белгилаб берган программани ва беш йилликнинг улкан режаларини бажара бориб. Амударё соҳилини шоли хазинасига айлантириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ,
Хонқа районидаги Ал Хоразмий номли совхоз партия комитетининг секретари.

МАРТ ШАБАДАЛАРИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

Раҳмиддин ака ўша кўкламни ҳали-ҳали эслайди. Баҳорнинг дастлабки кунлари ердан ғубор кўтарилиб, далалар қуёш нурларидан баҳра ола бошлади. Пастқам ерлардаги қорлар ҳам бир-икки кунда эриб битди. Деҳқон тинчимайди. Аммо, Раҳмиддин акани қувонтирган, унга алоҳида руҳ бағишлаган воқеалар март ойининг охирларида рўй берди. У КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ҳужжатларини қайта-қайта ўқиб чиқди. Бу ҳужжатларда айтилган гапларни ўз хўжалигидаги, ўз бригадасидаги ишлар билан қиёслаб кўрди. «Нақадар одил фикрлар! — ўйларди бригадир. — Партиянинг қишлоқдаги сиёсатида катта бурилиш ясаляпти. Партия деҳқонга қудратли қанот бермоқда. Уч, парвоз қил, демоқда».

Дарҳақиқат Димитров номли колхоз коммунистлари тақдирида партиянинг қишлоқдаги сиёсати самараларини очиқ-ойдин кўриш мумкин. Колхоз партия ташкилоти эндиликда етук, мустаҳкам, ташкилотлардан. Унинг сафларига 90 коммунист бирлашган. Ҳар бирининг ҳаёти — бутун бир олам. Коммунист Раҳмиддин Тиллабоев 1965 йил мартини яхши эслайди: 14 март куни КПСС сафига қабул қилинди. Ўшанда, бюро мажлисида биринчи секретарь бригаданинг мажбурияти билан қизикди. Юксак марра белгиланганлигини айтиб, бажарилиши қандай бўлишини сўради.

— Бажарамиз! — жавоб берди Раҳмиддин.

Бу кучни, бу ишончни у ўша КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан олди. Тўғри, Раҳмиддин ака бунгача ҳам яхши бригада бошлиқларидан бири эди. Район, ҳатто область пахтакорларининг қурултойларида қаддини тик тутар, минбарга дадил чиқаверар эди. «Яхши ният — ярим мол» мақолини тил учида тутарди. Сўз беришса, қирқ-эллик центнерлик маррани тилга олаверарди. Куз келиб, планни учма-уч бажарганида, баҳорги гап-сўзлар унут бўлиб кетган бўларди. Энди-чи? Аҳвол мутлақо бошқача. Деҳқон кетмон ўрнига техника ва қалам-дафтарга эга бўлди. Ҳисоб-китобнинг ҳадисини олди.

— Ер дардини, тупроқ тилини тушуниб олдик, — сўзида давом этади Тиллабоев. — Бу йил эллик центнерлик маррани кўзлаяпмиз. Бу шунчаки гап эмас. Бунинг учун агроному инженер, колхозчи-ю раис билан неча-неча бор чўт қоққанимизни билсангиз эди. Эҳ-хе..

Бироқ, ҳозирги даражага етиш, тик парвозга ўзида ишонч ҳосил қилиш учун кўп изланишга тўғри келди. Илгарилари ҳосилдорлик 22-24 центнерга тушиб қолган эди. Тупроқ таркиби бузилиб, алмашлаб экиш ҳосияти унутилган эди. Далаларни вилт офати қоплаб олган эди. Димитров номли колхоз партия ташкилоти бу камчиликларни бартараф қилиш ишига барча коммунистларни сафарбар этди. Бу иш 1970 йилгача давом этди. Ўша йиллари хўжаликнинг ҳозирги парвози учун зарур замин яратилди. Ирригация-мелиорация ишлари кенг кўламда олиб борилди. 38-40 километрли зовурлар тармоғи вужудга келди. Коммунистлар пахта майдонларини кенгайтириш, текислаш ташаббускорлари бўлишди. Раҳмиддин ака 1971 йил баҳорини ҳеч қачон унутмайди. Ўша баҳор унинг бригадаси учун кескин бурилиш палласи бўлди. Бригадада барча майдонларга «Тошкент-1» нав уруғ

РАСМИЙ АХБОРОТ

ТЕМИР-ТЕРСАК—МАРТЕН ПЕЧЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1975 йилда қора металл ва рангли металл темир-терсакларини тайёрлаш ва топширишни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Унда айтиладики, 1975 йилда қора ва рангли металлургия бўйича СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитлари тайёрлаш планининг муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажарилишига кўп даражада боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитлари тайёрлашни кучайтиришга муҳим аҳамият бериб, Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига ва министрлар советларига, ўлка ва область партия комитетларига, автоном республикалар министрлар советларига ,ўлка ва область ижроия комитетларига, СССР министрликлари ва идораларига темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитларини тайёрлаш юзасидан 1975 йил учун белгиланган планларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблашни таклиф қилди. Қарорда темир-терсакни топиш, йиғиш ва ортиб жўнатиш ишлари устидан кундалик назорат ўрнатиш, темир-терсак тайёрлаш юзасидан белгиланган план ва қўшимча топшириқ бажарилиши устидан хўжалик раҳбарларига қўйиладиган талабларни ошириш, темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитлари тайёрлаш планининг тўла ва ошириб бажарилиши учун кенг кўламда социалистик мусобақа ташкил этиш зарурлиги айтилади.

СССР министрликлари ва идоралари, Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари саноат, транспорт, қурилишнинг ҳар бир корхонаси ва ташкилоти, шунингдек совхозлар ва колхозлар темир-терсак тайёрлаш юзасидан 1975 йилга белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилиши учун зарур чораларни кўришлари шарт. Корхоналарда ва ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнида, шунингдек шу металларга ишлов бериш жараёнида ҳосил бўлувчи темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитларини йиғиш, хиллаш ва топширишдаги камчиликларга барҳам бериш, темир-терсак ва чиқит йўқолиши, аралашиб кетиши ва ишдан чиқишига йўл қўймаслик таклиф этилди. Ҳар бир корхона ва ташкилотда ортиқ фойдаланишга яроқсиз машина-ускуна бор-йўқлигини текшириб чиқиш, яроқсизини темир-терсакка чиқариш, уни ўз вақтида бўлакларга ажратиб, тайёрлов ташкилотларига топшириш керак.

ВЛКСМ Марказий Комитетига темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитлари қўшимча ресурсларини топиш ва уларни тайёрлашни кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда комсомол ташкилотлари ҳамма ёш аъзоларнинг актив қатнашувини таъминлаш вазифаси топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, Йўллар министрлиги ва Денгиз Флоти министрлиги темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқитларини ташиб олиб кетиш учун корхоналар ва ташкилотларга автомобиль транспорти, вагон, денгиз ва дарё кемалари биринчи навбатда берилишини таъминлашлари, шунингдек пландан ташқари тайёрланган темир-терсак ўз вақтида ташилишини таъминлашлари керак.

ҚЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети «1975 йилда кўкламги дала ишларига тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

1975 йилда кўкламги дала ишларининг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Автомобиль саноати министрлиги, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги ҳамда бошқа министрликлар ва идоралар зиммасига 1975 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигидаги тракторлар, автомобиллар, экиш агрегатлари ва ер ҳайдаш машиналарига, экскаваторлар ва ер қазийдиган техникага, шунингдек ҳайдов ва чопиқ тракторларига эҳтиёт қисмлар ва бошқа материал-техника воситалари барвақт ортиб жўнатилишини таъминлаш вазифасини топширди.

Колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжлари учун, (уларнинг қайси идорага бўйсинишидан қатъий назар) қўшимча қора металл прокати, трубалар, К-700 тракторларига запас қисмлар, насос станцияларига двигателлар ва ремонт материаллари ажратилади.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва «Союзсельхозтехника»га Йўллар министрлиги ва Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан келишиб олган ҳолда қишлоқ хўжалигига 1-II кварталларга ажратилган фондлар бўйича трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисм ва минерал ўғит етказиб бериш муддатларини март-май ойларида (вужудга келган шароитга қараб) ўзгартиришларига рухсат этилди.

СССР Министрлар Совети СССР Госснаби, СССР Нефтни қайта ишлаш ва Нефть химияси саноати министрлиги ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари зиммасига нефть маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига барвақт етказиб беришни, шунингдек кварталлар бўйича тақсимотдан қатъий назар йилнинг биринчи ярми учун ажратилган фондлар ҳисобидан нефть маҳсулотлари шу даврда колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва сув хўжалик корхоналарига берилишини таъминлаш вазифасини топширди.

Йўллар министрлиги кўкламги дала ишлари ўтказилиши учун зарур вагонлар цистернелар, уруғлик ортиладиган кантейнерлар, автомобиль трактор, қишлоқ хўжалик машиналар, запас қисмлар, нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металл прокати, минерал ўғит, шина, ёғоч, тахта ва биноқорлик материаллари, бошқа материал-техника воситалари 1975 йилда биринчи навбатда берилишини ҳамда шу юкларни ортган маршрутларнинг темир йўлларидан юриши устидан назорат ўрнатилишини таъминламоғи керак.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, «Союзсельхозтехника»га, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига колхоз, совхоз ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларни номига келувчи барча юкларни темирйўлларнинг ҳамма станцияларидан олиб кетишни тезлаштириш борасида дархол тегишли чоралар кўришлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига 1975 йил учун ажратилган моддий ресурслар қаттиқ тежалишини таъминлашлари зарурлиги тўғрисида кўрсатма берилди. (ТАСС).

МЕВА ВА САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛАДИ

1975 ЙИЛДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТИ ЕТИШТИРИШНИ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари беш йилликнинг белгиловчи йили бўлган 1974 йилда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга муваффақ бўлиб, КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхозчилар билан совхоз ходимлари фидокорона меҳнат қилиб, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва шу маҳсулотларни Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб беришни йил сайин кўпайтирмоқдалар.

1974 йилда 170 минг тоннадан зиёдроқ мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилдики, бу 1970 йилдагига нисбатан 28 процент кўпдир. Москва, Ленинград шаҳарлари ва мамлакатнинг бошқа саноат марказлари аҳолисига янги сабзавот, мева ва узум жўнатиш плани анча ортиғи билан бажарилди.

Ушбу беш йиллик мобайнида ҳосилдорликни ошириш, яппи ҳосилни кўпайтириш, маҳсулот хилларини кўпайтириш ва мева-сабзавот маҳсулотининг сифатини яхшилаш, ана шу экинларнинг маҳсулотларини илғор замонавий технологияни қўлланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва интенсивлаш негизида етиштириш, ёппасига навли уруғларни экишга ўтиш, экинларни энг яхши суғориладиган жойларга экиб, ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланиш борасида конкрет тадбирлар амалга оширилди. Мева-сабзавотни теплицаларда етиштириш, полиэтилен пленкалари остида етиштиришни кўпайтириш, эрта пишадиган ,ўрта муддатларда пишадиган, кечки муддатларда пишадиган сабзавот-полиз экинларини ва картошкани тўғри танлаш ва бу экинларни тўғри жойлаштириш, шунингдек мавсум орасида маҳсулот сақланадиган омборхоналарнинг ҳажмини кенгайтириш ҳисобига аҳолини янги мева-сабзавот маҳсулоти билан таъминлашда мавсумийликни бирмунча юмшатишга эришилди.

Калинин, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Оҳангарон районларининг ихтисослаштирилган хўжаликлари 1974 йилда областда тайёрланган бутун мева-сабзавот маҳсулотининг 65 процентини давлатга сотдилар. Ўтган йили мева сотиш юзасидан 23 та колхоз билан совхоз, сабзавот сотиш бўйича 20 та колхоз билан совхоз, узум сотиш бўйича 10 та колхоз билан совхоз, полиз экинлари маҳсулоти сотиш бўйича 9 та колхоз билан совхоз, картошка сотиш бўйича 8 та колхоз билан совхоз маҳсулот сотиш халқ хўжалиги беш йиллик планларини тўрт йил мобайнида муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бу ватанпарварлик ҳаракатида Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Калинин районидаги К. Маркс номли, Ильич номли, Охунбобоев номли, «Москва», С. Раҳимов номли, Ленин номли, «Ленин йўли» колхозлари, «Бўзсув», «Корасув» совхозлари мева-сабзавотдан энг юқори ҳосил етиштириб айниқса катта муваффақиятларга эришдилар.

Шу муваффақиятлар билан бирга камчиликларни кўрмаслик хато бўлар эди. Ўтган йили мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш соҳасида мавжуд резервлардан колхозлар билан совхозларнинг ҳаммаси ҳам тўла-тўкис фойдаланди, деб бўлмайди. Бир қанча районлар, колхозлар ва совхозлар давлатга белгиланган турдаги сабзавотларни сотиш халқ хўжалик планининг бажарилишини ҳамда шартномаларда белгилаб қўйилган контрактация муддатларида бажарилишини таъминламадилар. Ерлардан, сувдан, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тарзда фойдаланишга йўл қўйилмоқда. Айрим хўжаликларда техника тараққиётини ривожлантиришга етарли баҳо берилмаётир, алмашлаб экиш секин жорий этилмоқда. Комплекс механизация сусткашлик билан жорий қилинаётир, фан ютуқларидан ҳамда илғор хўжаликларнинг тажрибасидан етарли фойдаланилмаётир. Агротехника бузилмоқда. Минерал ўғитлардан оқилона фойдаланилмаётир. Техникадан унумсиз фойдаланилмоқда, ҳосилнинг ачиб қолишига ва бир қисмининг нес-нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Таъкидлаб ўтилган камчиликларнинг тугатилиши мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка етиштиришни ва уни давлатга сотишни янада кўпайтириш ишидаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ана шу тармоқларининг экономикасини мустаҳкамлашдаги катта резервимиздир. Область сабзавоткорлари, картошкакорлари, полизчилари, боғбонлари ва соҳибкорлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини жанговар иш программаси сифатида қабул қилиб олдилар ҳамда янги қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик юзасидан, эрта пишар сабзавот экинларини, картошка экишни муваффақиятли ўтказиш, янги боғлар ҳамда токзорлар барпо этиш, эскиларини ремонт қилиш ва қайта тиклаш учун, бу йил анча юксакроқ натижаларга эришиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириб юбордилар.

Бизлар, область колхозлари ва совхозларининг меҳнатчилари бўлиб ўтган район, область, республика қурултойларида тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўлган 1975 йилда ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдик:

— колхозларда ва давлат хўжаликларида маҳсулот турлари бўйича 305 минг тонна сабзавот, 1974 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўп, яъни 98,3 минг тонна картошка, 1,8 баравар кўп — 90 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 1,8 баравар кўп — 72,3 минг тонна мева, 1,4 баравар кўп — 72,9 минг тонна узум етиштирамиз. Ҳар гектар майдондан камида 185 центнердан сабзавот, 118 центнердан картошка, 187 центнердан полиз экинлари маҳсулотлари, 52,6 центнердан мева, 100 центнердан узум оламиз.

Ана шу муҳим халқ хўжалиги вазифасини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратимизни билимимизни ва тажрибамизни кўклам дала ишларини намунали ўтказишга сафарбар қиламиз. Сабзавотнинг, полиз экинларининг, картошканинг юқори сифатли уруғларини ва кўчатларини энг яхши агротехника муддатларида экамиз, боғларни ва токзорларни парвариш қилиш юзасидан комплекс агротехника тадбирларини амалга оширамиз.

Техника тараққиётининг янада ривожланишига, механизация кенг қўлланилишига, қишлоқ хўжалиги техникасидан, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришамиз. Хўжалик ўзида ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилишини, сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева ва узум етиштиришнинг прогрессив усуллари кенг қўлланилишини таъминлаймиз.

Сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун далаларнинг ҳар гектарига 700-800 килограммдан азотли ўғит, 600-700 килограммдан фосфорли ўғит, 100-150 килограммдан калийли ўғит соламиз. Далаларга навбати билан гўнг солиш системасини жорий этамиз.

1976 йилги ҳосилни кўтариш мақсадида барвақт муддатларда экишга сифатли уруғлик етиштириб бериш учун ёз фаслида янги йиғиштириб олинган эрта пишар картошка навларини экишни жорий этамиз, бунинг учун картошка уруғларини 240 гектар майдонда ТМТД, гибберелин, тио-мочевина дориворлари билан олдиндан дорилаб қўямиз. Ёз фаслида экиш учун 8,5 минг тонна уруғлик картошка тайёрлаб қўямиз.

66 та колхоз, давлат хўжаликлари ва бригадани товар-картошка етиштиришга ихтисослаштирамиз, шунингдек 1975 йилда 13 та колхоз ва совхозни 12,6 минг тонна уруғлик картошка етиштиришга ихтисослаштирамиз. Бундан ташқари бошқа хўжаликларда ҳам экин экиладиган умумий майдоннинг 20-30 процентининг уруғлик участкаларига ажратилишини таъминлаймиз. 1976 йил ҳосили учун камида 9,8 минг тонна ўз уруғлик картошкамизни ғамлаб қўямиз.

383 гектар майдонда янги боғлар барпо қилиш, 277 гектар майдонда токзорлар барпо қилиш, ремонт қилиш, сийрак боғларни ва токзорларни тўлдириш мақсадида 209 минг дона мевали дарахт кўчатлари ва 488 минг туп ток кўчати ўтказиш, 955 гектар майдонда токларни шпалерга кўтариш юзасидан 1974—1975 йилларда кузги-қишки тадбирлар бирлан тасдиқланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаймиз.

Янги боғларни барпо этганимизда янги серҳосил кўчатларни ўтказамиз, катта массивларга мевали дарахтларнинг тез ҳосилга кирадиган навларини ўтказамизки, бу боғбонларнинг меҳнатини яхшироқ ташкил этиш, дарахтларнинг қатор ораларини ишлашда, кўчатларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олишда техникадан кенг фойдаланиш имконини беради.

Тоғларда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тадбирларини кўрамиз.

Ҳар бир гектар боққа баҳор мавсумида 100 килограммдан азотли ва 80 килограммдан калийли минерал ўғитларнинг ўз вақтида солинишини таъминлаймиз. Дарахтлар куртак ниқариши биланоқ қанчалик чуқурликка илдиз отган бўлса, минерал ўғитларни шунчалик чуқурликка соламиз. Бу эса бу йилги шароитларда дарахтларнинг тез уйғониб, кўпдан-кўп миқдорда куртак ниқаришига, барги серавж бўлишига, яхши гуллаб, тез ҳосил тўплашига, илдиз системасининг яхши томир ёйишига, пировардида ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан ҳосилнинг яхши бўлишига ёрдам беради. Боғларнинг ва токзорларнинг ҳаммасини баҳорда суғорамиз. Боғлар ва токзорларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда иш сифатини оширамиз.

Сабзавотни, картошкани, мевани ва узумни товар мақсадида ишлаб чиқарадиган барча колхозлар ва совхозларда маҳсулотни навларга ажратиш ҳамда тайёр маҳсулотни жойлаш учун зарур бўлган шароитларни яратиб берамиз.

Қиш даврида сабзавот етиштиришни кўпайтириш мақсадларида теплицалар қуришни ва ишга туширишни тезлаштирамиз. Бу маҳсулотни пленка остида етиштиришни кенг жорий этамиз. Шу йилнинг охирига келиб теплицаларда ялпи сабзавот етиштиришни 4,2 минг тоннага етказамиз. Ҳар квадрат метр ердан ҳосилдорликни 11 килограммгача оширамиз. 300 минг донадан кўпроқ лимон етиштириб берамиз.

Хўжаликларнинг барча категорияларида давлатга маҳсулот турлари бўйича 350 минг тонна сабзавот, 53 минг тонна картошка, 78 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 45,5 минг тонна мева, 65 минг тонна узум сотамиз. Давлатга мева-сабзавот сотиш юзасидан контрактация шартномаларининг миқдори, муддатлари, энг яхши сифатли бўйича бажарилишини таъминлаймиз.

Савдо-тайёрлов ташкилотлари, консерва ва вино заводлари билан биргаликда бевосита алоқаларни, маҳсулотни контейнерда ва идишсиз ташишни, диспетчерлик хизматини жорий этиш тадбирларини амалга оширамиз, мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилишга қабул пунктларини, заводларни ва холодильникларни ўз вақтида тахт қилиб қўямиз.

Сабзавоткор, картошкакор, полизчи, боғбон ва соҳибкор кадрларнинг малакасини янада ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирларини амалга оширамиз. Ана шу мақсадларда Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, сабзавот-полиз экинлари ва картошка институтлари базасида, шунингдек пешқадам колхозлар ва совхозлар базасида илғор тажриба мактаблари барпо этамиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ана шу тармоқларининг янада ихтисослаштирилишига, концентрациялаштирилишига ва интенсивлаштирилишига, меҳнат унумдорлигининг оширилишига эришамиз, маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлаймиз, унинг таннархини камайтирамиз ва тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўлган 1975 йилни янги муваффақиятлар билан нишонлаймиз.

Биз республиканинг барча сабзавоткорларини, картошкакорларини, полизчиларини ,боғбонларини ва узумчиларини фидокорона меҳнат қилиб, партиянинг аграр сиёсатини амалга оширишга, мева-сабзавотчиликнинг барча тармоқларини интенсивлаштириш суръатларини тезлаштиришга, қилинадиган ишларнинг сифатини оширишга, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга, ўзларининг меҳнатга коммунистик муносабатлари билан сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришни кўпайтиришга, шаҳарлар билан қишлоқларнинг аҳолисини ана шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилашга чақирамиз. Бу КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга бизнинг муносиб ҳиссамиз бўлади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар Тошкент область қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

[Боши биринчи бетда].

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Пахтачи районидаги Калинин номли, Хатирчи районидаги Чкалов номли, Иштихон районидаги Ленин номли, Оқдарё районидаги Карл Маркс номли, Нарпай районидаги «Иттифоқ», Самарқанд районидаги Энгельс номли, Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхозлар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Шўрчи районидаги «Ленинобод», Термез районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Сариосиё районидаги «Коммунизм», Денов районидаги «Ғалаба» колхозлари.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Ворошилов районидаги Қуйбишев номли.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма», Оққўрғон районидаги Навоий номли, Калинин районидаги «Ленин йўли», Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозлари.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Фарғона районидаги Ленин номли, Тошлоқ районидаги «Коммуна», Ленинград районидаги Охунбобоев номли, Ўзбекистон районидаги Ленин номли, Бувайда районидаги «Коммуна» колхозлари.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Хонқа районидаги Охунбобоев номли, Урганч районидаги Калинин номли, Хива районидаги Ленин номли, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли, Боғот районидаги «Коммуна» колхозлари.

СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ХЎЖАЛИКЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Хўжайли районидаги «Амударё», Ленинобод районидаги «Тошкент» совхози.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Жалолқудуқ районидаги «Ойим» совхози.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Навоий районидаги «Гигант», Конимех районидаги «Шофиркон» совхозлари.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Ғаллаорол районидаги «1-Ғаллаорол», Пахтакор районидаги «Самарқанд». Дўстлик районидаги «Комсомол», Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозлари.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Ульянов районидаги «Ўзбекистон» совхози.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Задарё районидаги «Гулбоғ», Уйчи районидаги Охунбобоев номли совхозлар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Хатирчи районидаги «Зарафшон», Самарқанд районидаги сабзавот узумчилик, Каттақўрғон шаҳридаги «Каттақўрғон» совхозлари, Каттақўрғон районидаги совхозлараро бўрдоқичилик пункти.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Шўрчи районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Оқолтин районидаги «Фарғона», Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхозлар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Калинин районидан «Қорасув», Қуйи Чирчиқ районидаги «Оғонёк», Чиноз районидаги «Чиноз» совхозлари.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Киров районидаги «XX Партсъезд» совхози, Кувасой шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли паррандачилик фабрикаси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоз.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли «Узгипрозем» республика лойиҳалаш институти; «Узсельхозтехника»нинг Боёвут район бирлашмаси; «Узсельхозтехника»нинг Қарши район бирлашмаси; Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли Самарқанд область суғориш системалари бошқармаси; Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Джиззакводстрой» трести; Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Фарғонадаги ун комбинати; Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Тошкентдаги ун заводи; «Узглавводстрой»га қарашли «Кашкадарьяводстрой» трести; «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Қарақалпакирсовхозстрой» бошқармаси; «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Голодностепстрой» бошқармаси.

«Главсредазирсовхоз т р о й»га қарашли «Промстройматериали» трести.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Урмон хўжалиги давлат комитетининг Каттақўрғондаги механизациялашган ўрмон хўжалиги.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ходимлари — республика социалистик мусобақасининг ғолибларини қизғин табриклайдилар ва улар 1975 йилда социалистик мусобакани янада кенг авж олдирадилар ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик план топшириқларини шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдирадилар.

Тошкент метрополитени бунёдкорлари шу кунларда тағин ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Суратда: қурилишнинг илғор монтажчиси, комсомол аъзоси Нуриддин Насриддинов. У Собир Раҳимов номли станцияни бунёд этишда юксак меҳнат намунасини кўрсатаётир.

И. Глауберзон фотоси.

ВЕНГРИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

БУДАПЕШТ, 20 март. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг биносида Венгрия—Совет дўстлиги жамиятига Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Биз кувончли ва тантанали воқеа муносабати билан тўпландик, деди КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев. СССР Олий Совети Президиумининг фермонига биноан Сизларнинг жамиятингиз Совет Иттифоқининг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Бу — ўттиз йилдан бери ташкилотингиз, унинг ўн минглаб ва юз минглаб активлари Венгрия билан Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашдек олижаноб иш манфаатларини кўзлаб олиб бораётган катта ва самарали фаолиятнинг тақдирланишидир

К. Ф. Катушев СССР Олий Совети Президиумининг Венгрия — Совет дўстлиги жамиятини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва мажлис аҳлининг давомли қарсаклари остида Халқлар дўстлиги орденини А. Апрога топширди.

Шундан кейин К. Ф. Катушев залда ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Венгрия — Совет дўстлиги жамиятига совғасини — қимматбаҳо навли ёғочдан ишланган картинани топширди, унда Кизил майдон тасвирланган.

А. Апро жавоб сўзида жамият Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги учун юз мингларча венгер меҳнаткашлари номидан ташаккур изҳор этди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумига якдиллик билан табрикнома қабул қилиб, бунда Венгрия—Совет дўстлиги жамиятининг фаолиятиг юксак баҳо берилганлиги ва жамият Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги учун миннатдорчилик изҳор этдилар, Венгрия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бундан буён ҳам кўмаклаша берамиз, деб ишонтирдилар.

ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН НЕВРОПАТОЛОГЛАРИ ВА ПСИХИАТРЛАРИ ИЛМИЙ-МЕДИЦИНА ЖАМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Совет ҳокимияти йилларида фан ва маданиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби медицина ҳам мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигида эндиликда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида аҳолига медицина ёрдамининг барча тури бўйича — ихтисослаштирилган малакали хизмат кўрсатиш ташкил қилинган. Жумладан, меҳнаткашларга ихтисослаштирилган неврология ёрдами бериш борасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди.

1925 йилнинг 8 мартида ташкил топган Ўзбекистон невропатологлари ва психиатрларининг илмий-медицина жамияти республикамизда аҳолига ихтисослаштирилган малакали хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнади. Мазкур илмий жамият ўлкамизда неврология фанининг ривожланиш йўлларини аниқлаб невропатолог ва психиатрларнинг илмий ҳамда амалий фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштириб, ярим аср мобайнида уларнинг маҳоратларини мукаммалаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Илмий жамият тузилганда унинг сафидан жой олган — М. А. Захарченко, И. И. Яковлева, Г. М. Фрейдович, М. М. Федорович, Л. В. Анциферов, М. И. Альперович Л. С. Гершкович, А. Авдеев, В. И. Руднев, А. Н. Кондратченко каби йирик невропатолог олимларнинг номини бугунги кунда ҳурмат билан тилга оламиз. Ўтган йиллар мобайнида медицинанинг ниҳоятда мураккаб соҳаси ҳисобланган невропатология ва психиатрия фани ойдин йўлга тушиб, камолот пиллапоясидан дадил кўтарилишида бу тиббиёт илми жонкуярларининг муносиб ҳиссалари бор.

Илмий-медицина жамияти ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлаётган шу кунларда невропатологларнинг Тошкент бўлимидан ташқари яна бешта область марказида филиаллари иш олиб бораётганлигини айтиш кифоя. Буларда ўз соҳасини яхши биладиган бир талай етук кадрлар ишламоқдалар.

Жамият аъзоларининг илмий ишлари ва доклади қарор топган анъанага кўра асосан медицинанинг шу соҳаларидаги ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган. Масалан, профессор Марат Қориев республикада биринчи бўлиб, миянга қон қўйилганда уни операция қилди ва катта муваффақиятларга эришди. Невропатолог Ф. Я. Аблямитов олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 1966 йилги Тошкент зилзиласи пайтида кучли сейсмик силкинишлар мияда қон айланиши бузилиши оқибатида содир бўладиган касалликларни кўпайтирган. Айниқса бундай дардга гипертония касаллиги бор кишилар кўпроқ чалинган. Бу тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборат бўлдики, мияда қон айланишининг бузилишида руҳий-эмоционал омилнинг роли ниҳоятда катта экан.

Маълумки, нейропсихология —бош миянинг зарарланиши оқибатида келиб чиқадиган марказий нерв системаси олий фаолиятининг ўзгаришларини ва бу ўзгаришлар бош миянинг қайси қисми зарарланганлиги натижасида келиб чиққанлигини психологик методлар асосида аниқлаш ва зарарланиш натижасида бузилган олий психик функцияларни тиклашнинг рационал йўлларини ўрганиш билан шуғулланувчи фандир.

Совет медицинасида нейропсихология масалалари академик А. Р. Лурия ва унинг шогирдлари ишларида ўз ифодасини топган. Ҳозирги пайтда нейропсихология усуллари неврология, нейрохирургия клиникаларининг амалий фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Бу борада Москва олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Биз генетика фани эришган муваффақиятлардан ҳам амалиётда унумли қўлланишга интилмоқдамиз.

Бебаҳо бойлик-инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида республикамиз невропатологлари ва психиатрлари астойдил меҳнат қилаверадилар.

Набн МАЖИДОВ,
Ўзбекистон невропатологлари ва психиатрлари илмий-медицина жамиятининг раиси, медицина фанлари доктори, профессор.

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Яна баҳор, яна наврўз... Табиат бағрида беҳад тантана: мовий самолар, нукра ирмоқлар, ҳароратли қуёш, ипак саболар байрами. Боғу роғлар, қиру адирлар чеҳрасида тиниқ яшиллик, қушлар қўшиғида ажиб жўшқинлик. Уйғониш, ёшлик, гўзаллик, меҳнат ва бунёдкорлик фасли инсон қалбини оташин ва нозик туйғуларга, эзгу фикрларга тўлдиради.

Меҳнаткаш халқ қадим-қадимдан наврўз, яъни баҳор бошланишини нишонлаб, байрам қилиб келган. Аждодларнинг бу ажойиб анъанаси бизнинг кунларимизда янгича, порлоқ мазмун касб этиб, меҳнат баҳори тантанасига айланиб бормоқда. Бу йилги наврўзнинг фазилатлари ўзгача. У — шонли беш йилликнинг яқунловчи йили наврўзи. У — фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабамизнинг 30 йиллиги наврўзи. У — Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилинган ажойиб 1975 йил наврўзи. У катта бунёдкорлик парвозларига қанот бағишлайди, янги-янги ижодий ютуқларга — шарафли марраларга илҳомлантиради. Коммунистик фаровонлик яратаётган кишиларимизнинг қалбида, фикру ўйида улкан орзулар, жўшқин интилишлар пайдо қилади.

Вақтдан ғоят унумли фойдаланиш, барча ички омилларни, имкониятларни ишга солиш, юксак суръат ва маҳсулот сифати учун кураш — бу йилги наврўзнинг маъносини белгилайдиган хислатлардир.

Яшариш ва яшнаш фасли — баҳор ҳамиша шеъриятга қанот бағишлаган. Барча замонларнинг катта-кичик шоирлари баҳор ҳақида, унинг илк дамлари бўлмиш наврўз ҳақида қанча гўзал мисралар битганлар. Бирор шоир топилармикин, у баҳорга энг ардоқли, энг самимий, энг мусаффо туйғуларини бағишламаган бўлса!?

Азиз газетконлар! Баҳор нафаси, наврўз шодиёнаси руҳи билан суғорилган янги назм гулдастасини қабул этинг.

Ғайратий,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТАРАДДУД

Водийларга ташлайман назар,
Юзин очмиш наврўзи олам.
Зумрад сабза ҳар кумуш саҳар
Жилва қилар қўндириб шабнам.
Олтин қўёш кафтида замин,
Шўъла билан йўғрилган ҳаёт.
Бўлар чексиз уфқлар яқин
Келар, меҳнат ёзганда қанот.
Ҳар нарса шай, кўкламга пешвоз,
Ҳар кўнгилда эзгу бир ният.
Моҳир кўклам бераркан пардоз,
Сайқал топар она табиат.
Кўклам ели незади аста,
Ниҳолларга қўнгудай бўлиб,
Гулполадан тўплаб гулдаста,
Қўшиқ бўлиб, ёниқ най бўлиб,
Чўқиларга тўш уриб қуёш,
Оқаётир жўшқин ирмоқлар.
Зеб бермоқда табиат наққош,
Гўзал бўлиб яқин-йироқлар.
Кўклам завқи ва ташвишига
Борлиғим банд, шай барча тадбир.
Ҳисса қўшсам юртнинг ишига,
Шудир менга ҳаёт ва тақдир.

БАҲОР ОҚШОМЛАРИ

Сўнгги қорлар эриётган дала-қирларга,
Сармаст елга кўксин очган боғлар қўйнига,
Қиш сукути кўтарилган қишлоқ бағрига
Секин-секин чўкмоқдадир
илк баҳор оқшомлари.
Нашъасига тўйиб бўлмас бир сурур билан
Осмонга термуламан мен бу оқшомлар,
Юлдузлар бинафшадек порлаган осмонга.
Нафис ҳайрат тасвиридек юксак тераклар
Интиқ бу пайт яproқларнинг шовуллашига...
Уйғонгувчи табиат-ла юзма-юз туриб
Бу лаҳзалар англайман мен абадийликни.
Баҳор оқшомлари...
Яна бошланади борлиқ қўшиғи.
Шуҳуҳ-ла уйғонар музбадан дарё.
Қайлардандир,
салқин ҳаво қўйнида янграб,
Эсиб келар тракторнинг шан садолари.
Бу суронлар оғушида ҳонимдир аммо ажиб сукунат:
Қулоқ тутсанг,
тупроқ ёриб роз айтар гиёҳ.
Баҳор оқшомлари — сарин оқшомлар!
Қотган дилларда ҳам ишқ туғилади бу оқшомларда:
Она ерга,
Табиатга,
Яшамоқликка!

Мирпўлат МИРЗАЕВ.

ВАТАН ИШҚИ

(ҚЎШИҚ)

Юракдан севаман сени, Ватаним,
Онадек азизсан, обод чаманим.
Халқларга тинчликдир қатъий шиоринг,
Шунинг-чун яшнайди боғу баҳоринг.
Майдонда қизиди Ватан уруши,
Дунёга фош бўлди ёвлар қилмиши.
Гитлер солмоқчийди сени қулликка.
Ғам, алам, мусибат, очлик, йўқликка.
Синдирдик душманнинг қора ниятин,
Намойиш этдик биз ўллар ҳимматин.
Фашист жаллодларни қувдик ватандан,
Супуриб ташладик ёвни чамандан.
Жангларда кўтардик номингни кўкка,
Бир киши тушмади душманга чўккка.
Оловли йилларда тобландик яна,
Тарихдан ўчмайди бу шонли сана.
Жанг бўлди халқимга катта имтиҳон,
Советлар диёри опамга достон.
Улуғ ният билан Берлинга бордик.
Халқларни зулмдан мангу қутқардик.
Рейхстагга тикдик зафар байроғин.
Порлатдик яна ҳам элнинг чироғин.
Онадек азизсан, обод чамансан,
Акмалга саодат берган Ватансан.

Акмал ПЎЛАТ.

Қуёшли республикамиз жанубида бодом қийғос гуллади.

А. Усмонов фотоэтюди. (ЎзТАГ).

НАВБАҲОР

Келди фасли навбаҳор бошлаб тўкинлик ёзини,
Лола тутди зар қадаҳ, гул бошлади пардозини.
Гул юзин атрофида булбул кўриб ўткир тикан,
Ул тиканга бош қўяр, ошиқ кўтаргай нозини.
Чашма бўлди тоғ кўзидан томган ул ҳар қатра ёш,
Боққа оқди чертибон ишқу вафонинг созини.
Кўз очиб наргис узолмас пахтазордан кўзларин,
Балки кўрмоқчи бўлур ул пахтазор шоввозини.
Жуфт бўлиб қушлар учарлар сўзлабон ўз лафзида,
Розн эрдим кошки айтса дилбарим дил розини.
Пат гилам ёзди табиат дашту саҳро устига,
Буркади бошдан-оёқ зийнатга қиш қоғозини.
Ўтди гулшандан нигорим нозу истиғно билан,
Гул бош эгди бир нафас кўрган каби устозини.
Бир данакнинг икки мағзи навбаҳор меҳнат билан,
Кўрсатур меҳнат баҳорнинг кўзгусида ёзини.
Қўш қанот бергин шеъринга навбаҳорда Жонибек,
Орзулар осмонида этсин давом парвозини.

ЖОНИБЕК.

СССР ХАЛҚЛАРИ VI СПАРТАКИАДАСИ

ОЛТИН МЕДАЛЬ ВА СОВРИНДОРЛИК КУРАШИ

Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида катта бокс мусобақалари кун сайин кескин тус олмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон ва Европа турнирларида доврўг таратган чарм қўлқоп усталари шонли сана — Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Буюк Ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган спартакиада чемпионлиги ва мамлакат биринчилигининг ғолиблиги учун куч синашишмоқда. Зарби зўр йигитларнинг эзгу нияти ғолибларнинг ғолиби сифатида қўш олтин медалли бўлиш.

200 га яқин боксчидан қайсилари олтин, кумуш ва бронза медаллар қатори серқуёш Ўлкамизни ёдга солиб турувчи совринларни олиб кетаркин? Ғолибларни, чаққон ва марларни республика ва область газеталари, маҳаллий ташкилотлар таъсис этган бир қанча совринлар кутмоқда. Улар орасида «Правда Востока» газетасининг «Энг юксак натижага эришган ветеран боксчига», Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшитириш Давлат комитетининг «Энг иродали боксчига», Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг «Юксак маънавий-иродали фазилатлар учун» сингари совринлар бор. «Совет Узбекистони» газетаси редакцияси ҳам мухлислар хотирасида узоқ сақланиб қоладиган энг яхши «жанг» учун эсдалик соврин таъсис этган.

БОКС БЎЙИЧА ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Чемпионлар финал мусобақалари тугаганидан кейингина маълум бўлади. Совриндорлар эса саралаш ўйинларида ҳам аниқланиши мумкин. Боксчилар турнирининг иккинчи куни андижонлик спартакчи Феликс Пак олқишга лойиқ мусобақаларда. Хизмат кўрсатган спорт мастери К. Градаполов таъбири билан айтганда, у шу куни куч ишлатиш ва тактик маҳорат муштараклигига эриша олди.

Финал курашларини давом эттириш мақсадида у билан мусобақалашган озарбайжонлик З. Юсупов анча тажрибали боксчилардан эди. Шунга қарамай Феликс ўзидан 12 ёш катта рақибининг бўш томонларини дастлабки минутлардаёқ илғаб олиб, мухлислар айтмоқчи «чўқилаш»ни ўрнига қўйди. Озарбайжонлик йигит қанча уринмасин, ёш боксчи оралиқ маррани сақлаган ҳолда хотиржам зарба бераверди. Шу тариқа халқаро учрашувларда синалган ва чиниққан спартакчи Ф. Пак ўзининг навбатдаги, 73-ғалабасига эришди.

Мусобақанинг учинчи куни яна икки вазнда саралаш «жанглари» бўлди. Шу куни ўта енгил вазнли боксчилар бахсини спартакчи Изольд Муллаев (Ўзбекистон) билан ленинободлик Даврон Садруллин якунлашди. Бунгача олти жуфт боксчи куч синашган бўлсада, аниқ устунлик билан ютуққа эришган боксчи фақат бизнинг И. Муллаев бўлди. У рингда ўзини жуда эркин тутди, курашда қўллаган тактикаси ҳам бошқачароқ бўлди. Муллаев гох сохта ҳаракат қилиб рақибини чалғитар, гоҳ кетма-кет зарба бериб шошириб қўярди. Натижада рингдаги ҳакам, Бутуниттифоқ категориясидаги судья С. Микаэлян учрашувни тўхтата қолди.

Командадошининг ютуғи халқаро классдаги спорт мастери самарқандлик Николай Анфимовни дадил «жанг» қилишга ундади. Николай кучли бир зарб билан орани очиқ қилмоқчи бўлдими, ҳар қалай биринчи раундда ҳимояланишга унча парво қилмади. Оқибатда учрашувнинг бошларида ленинградлик В. Егоров илдамлик қилаётгандек туюлди. Аммо томошабинларнинг тўхтовсиз ҳайқириқ ва олқишлари остида Николай мусобақани ғалаба билан тугатди.

Шундай қилиб чарм қўлқоп усталари турнирида кучлилар сараланиб бормоқда. Олтин медаль ва совриндорлик мусобақаларида бошқалар қатори ўртага тушган беш нафар ўзбекистонлик боксчидан тўрттаси мусобақани давом эттирадиган бўлди. Кеча боксчиларимиздан Дмитрий Грубов билан Руфат Рисқиевлар рингга чиқдилар.

Ҳ. НОСИРОВ,
Р. ҚОСИМОВ.

Ажаб савдолар

КЕЧИККАН МАКТУБЛАР

Тошкент шаҳрининг Чимкент кўчасида истиқомат қилувчи Раҳматуллаев Сельмаш кўчасидаги қизи ва невараларини янги йил билан табриклаб, байрам олдидан хат ёзди. Худди шунингдек, Охунбобоев кўчасида яшовчи Усмонов Шимоли-Шарқ массивидаги қайнона, қайнсингилларини келаётган янги йил билан қутлаб мактуб йўллади.

— Дада, кўнгил учун янги йил билан ҳам табриламадингиз-а? — деди қизи гина қилиб отаси Раҳматуллаевга.

— Почча, оқибат шуми? — деди қайнсингил хафа бўлиб.

Мактуб муаллифлари таажжубланганликларидан нима дейишни ҳам билишмасди...

Янги йил бошланди. Роппа-роса 30 январда ҳалиги қонадонларда яна телефон жиринглаб қолди.

— Кечирасиз мени, дадажон, табрик хатингизни мана ҳозиргина олдим, — деди қиз.

— Поччажон, раҳмат, хатингизни олиб кўп хурсанд бўлдим, — деди қайнсингил.

Бундай аввал гина қилиб, кейин кечирим сўраш воқеалар Тошкентдек шаҳри азимда тез-тез юз бериб турадиган бўлиб қолди. Ҳаммасига почта сababчи.

Қон-қариндошларни бир-биридан хафа қилиб қўяётган бу «арзимас» сабаблар билан қизиқиб кўрдик. Фарғона область, Тошлоқ ноҳиясидан ёзилган икки хат конвертига «15 декабрь» деб Тошлоқ почтасининг муҳри босилган. Наманганда келган хатда эса шу шаҳар почтаси бу мактубни «28 декабрь» куни Тошкентга жўнатганини қайд этувчи муҳр бор. Бу хатлар ҳам тошкентлик эгаларига 30 январда келиб етгани ниҳоятда ажабланарлидир. Мактубларнинг Тошкентга қачон келганлигини аниқлайдиган белгиларни қидириб топиш амри-маҳол.

Хатни олган кишилар ҳайратдан ёқа ушлаб, почтага кириб боришди. Айбдор топилмади. Кейин эса редакцияга мурожаат этишди. Қизиғи шуки, бу шикоятлар ҳам Тошкент шаҳар почта хизматининг белгисисиз келган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти кейнги вақтда Тошкент почтасининг муҳри босилмаган юзлаб хат олган.

Ўрток Раиса Филипповна Гусашвили бошлиқ бўлган Тошкент шаҳар почта хизмати (ГСП) бўлими бир жойдан иккинчи жойга кўчган. Шу сабабли бундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлган эмиш! Шу ҳам баҳона бўлдими! Хўш бу масалага почта бўлимининг бошлиғи ўртоқ Р. Гусашвили нима дер эканлар.

Р. ИСҲОҚОВ.

МИЛИЦИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

Узбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва Ўзбекистон Журналистлар союзи ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти тўғрисидаги матбуотда эълон қилинган энг яхши материаллар, телевизион ва радиоэшиттиришлар учун конкурс ўтказмоқдалар.

Конкурсга 1975 йил 1 январдан 30 сентябргача газеталарда босилган, телевидение ва радио орқали эшиттирилган очерклар, лавҳалар корреспонденциялар тақдим қилиниши мумкин. Уларда милиция ходимлари ҳамда уларнинг кўнгилли ёрдамчиларининг шарафли ва оғиржаноб иши, жамоат тартибини сақловчиларнинг жасорати, ўз бурчига садоқати, милициянинг жамоатчилик билан алоқасининг мустаҳкамланиши ва кенгайиши акс эттирилган бўлиши керак.

Конкурсга тақдим этиладиган материаллар уларнинг актуаллигига, юксак ғоявий ва бадиий савиясига қараб баҳо берилади.

Конкурс икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичга областларда ва Қорақалпоғистон АССРда якун чиқарилади. Маҳаллий жюрилар иккиучтадан энг яхши газета материалларини ва шунчадан радио эшиттиришларини танлаб олишлари ҳамда 10 октябрга қадар республика жюрисига тақдим этишлари лозим. Республика жюрисининг адреси: 700031, Тошкент, Герман Лопатин, кўчаси, 1, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги. Тақдим этилган материаллар «Конкурсга» ёзуви билан жўнатилади.

Энг яхши материалларнинг авторлари учун 150 сўмлик битта биринчи мукофот, ҳар бири 100 сўмлик учта иккинчи мукофот, ҳар бири 75 сўмлик тўртта учинчи мукофот ва ҳар бири 50 сўмлик тўртта рағбатлантирувчи мукофот белгиланган. Конкурс ғолибларига, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар союзи ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг дипломлари топширилади.

Конкурс якунлари 1975 йил 10 ноябрда — Совет милицияси кунида, шунингдек «Мухбир» — «Корреспондент» журналы ва газеталарида эълон қилинади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

УЗОҚ УМРЛИ КИШИЛАР

Табиат ва инсон

Болгария ўзининг узоқ умрли кексалари билан машҳурдир. Агар мамлакатда ҳар бир миллион аҳолидан юз ёшдан ошган эркак ва аёл кексалар ўрта ҳисобда 52 кишини ташкил этадиган бўлса, Родоп тоғи атрофидаги округларда ҳар миллион кишидан 319 таси узоқ умр кўрган кишилардир. Бу ерда 90 ёшдан 100 ёшгача бўлган кишилар бошқа округлардагига нисбатан 8 баравар кўп.

Маълумотлар шуни тасдиқлайдики, узоқ умр кўришнинг асосий омилларидан бири очиқ ҳавода меҳнат қилишдан иборат. Узоқ умр кўриб келаётганларнинг ўндан тўққиз қисмини текшириб кузатиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, улар ёшлигиданоқ жисмоний меҳнат қилиш билан шуғулланиб келишган, уларнинг баъзилари айни вақтда ҳам ўз хўжаликларига бемалол кўмаклашиб келмоқдалар. Улар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланадилар. Узоқ умр кўриб келаётган кексаларнинг иш куни ўрта ҳисобда 10-12 соатгача боради. Улар 15 соатга яқин вақтни очиқ ҳавода ўтказишади. Шунисқизикки, уларнинг бирортаси махсус пархез таом тановул қилиш билан машғул бўлишмаган. Уларнинг ейдиган таомлари орасида сабзавот ва мева, шунингдек гўшт ва сут каби витаминга бой фойдали маҳсулотлар жуда кўп. Кексаларнинг 47 проценти спиртли ичимликларни мутлақо ичишмаган, тамаки чекишмаган, қолган қисми эса озроқ чекиб жуда оз миқдорда ичимлик ичишган.

Узоқ умр кўраётган кишиларнинг ота-оналари уларни узоғи билан 25 ёшгача уйлантириб-жойлантириб қўйишган. Кекса кишиларнинг деярли ҳаммаси кўп фарзандлик оилалардан чиққан бўлиб, уларнинг ўзлари ҳам ғоятда серфарзанддирлар. Узоқ умрли кишиларнинг оилаларининг деярлик ярмисида 7 тадан 14 тагача фарзанд бўлган, учдан бир қисмида 4 тадан 6 тагача, фақат 13 процент оилада учтадан фарзанд бор.

Узоқ умр кўриб келаётган кишиларнинг кўпчилиги ғоятда сезгир ва яхши кўриш қобилиятига эга, уларда эшитиш қобилияти ҳам жуда яхши. Бу кишиларнинг организмидаги қон айланиш, томир уриш доимо нормада бўлади. Қонларининг составида ҳамон ўрта ёшли кишиларнинг қонида мавжуд бўлган моддалар ва хусусиятлар мавжуд.

Болгария врачларининг эътироф этишларига кўра, атмосфера босими ҳамда денгиз сатҳидан баландда яшашлик узоқ умр кўриш учун ғоят катта аҳамиятга эга. Родоп тоғлари эса денгиз сатҳидан ўрта ҳисобда 785 метр баланддикдадир. Унинг энг чўққиси денгиз сатҳидан 2191 метр баланддир.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

24 МАРТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Тележурнал. 19.10 — **«Ахборот».** 19.25 — Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз (Москва). 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — Оламда нима гап? 20.40— СССР халқлари VI спартакиадаси кундалиги. 20.55 — **«Ахборот».** 21.15 — Концерт. 21.45 — Телеочерк. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — М. Шолохов туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган кўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.05 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.05 — МОСКВА. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Колокольчик» театри. 19.25 — Жанговар постда (Тошкент. 20.10 — Концерт. 20.35 — Фильм-спектакль. 23.40 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

25 МАРТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.10 — МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Спорт кўрсатуви. 18.40— Беш йилликнинг якуниловчи йили. 19.10 — **«Ахборот».** 19.25 — Теленовеллалар. 20.05 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — **«Ахборот».** 21.05 — Сенинг замондошинг. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — МОСКВА. Кремлда бир соат. 23.30 — Музикали кўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.05 — МОСКВА. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ нота-лар. 19.30 — Телеочерк. 20.00 — Қалбга яқин қўшиқлар. 22.00 — Шифокор экрани. 22.30 — **Бугдойзорлар оралаб** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — **Волейбол:** «Калев» (Таллин) — «Динамо» (Тошкент). 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Тошкент янгиликлари.

26 МАРТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.45 — «Қизил галстук». 18.30 — **«Ахборот».** 18.35 — «Прогресс» программаси. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — Ўн минут музика. 19.35 — **«Ахборот».** 19.55 — Тўққизинчи студия (Москва). 20.55 — Театр ва давр. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** Швеция — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Телеспектакль. 12.30 — **Дўстим Колька** (бадиий фильм). 16.35 — Ўқув кўрсатуви. 17.35 — МОСКВА. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Илмий оммабоп фильм. 19.25 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.55 — Мардлик — мангулик. 20.25 — Маъдан изловчилар. 20.55 — Телефильм. 22.00 — Ёшлар ижоди. 22.20 — Киноқўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25— Тошкент. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Ўқитувчи экрани.

27 МАРТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 15.35 — Тошкент. 16.00 — Болалар музикаси Бутуниттифоқ ҳафталигининг тантанали ёпилиши. 17.30 — Фильм-концерт. 18.35 — СССР халқлари VI спартакиадаси. Бокс. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Миллионлар ленинча университети. (Москва). 20.00— Опа-сингилларимиз ҳаётидан. 20.30 — Дўстлик экрани. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон телевиденияларининг биргаликда кўрсатуви. 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — Ўн минут музика. 22.00— **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** Швеция— СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Сўз мактаб комсомол активларига. 11.55 — **Капитан Грант болалари** (бадиий фильм). 14.00 — МОСКВА. 15.00 — Улуғ Ватан уруши йиллари поэзияси. 15.40 — Шахмат мактаби. 16.10 — Бадиий фильм. 17.35 — Болалар китоблари байрами. 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Қалб ҳотираси (Тошкент). 20.00 — Муғанчачилар музика ҳақида. 20.40 — Телеочерк. 20.55 — Телефильм. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30—Премьерага ҳозирлик кўрилмоқда. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Илмий-оммабоп фильм. 20.00 — Концерт. 20.30 — М. Шолоховнинг ҳаёти ва ижоди. 21.10 — Тошкент янгиликлари.

28 МАРТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Ишлаб чиқариш новаторлари. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Социализм дунёси (Москва). 20.00 — СССР халқлари VI спартакиадаси. Бокс. 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — Халқ контроли экрани. 21.30 — Дутор тароналари. 22.00—**«Вақт».** 22.30 — Экиш — биринчи имтиҳон. 22.50 — Ассалом, қаҳрамон шаҳар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Кинофильм. 12.00 — **Ғалати гаров** (бадиий фильм). 16.35 — Ўқув кўрсатуви. 18.35 — МОСКВА. 19.00 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30— Инсон ва қонун (Тошкент). 20.00— МОСКВА. 20.55 — Телефильм. 22.00 — Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Халқаро театр куни. 23.45 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 20.15 — Тошкент янгиликлари. 20.30 — **«24-25» қайтмаяпти** (бадиий фильм).

29 МАРТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Мультфильм. 18.05 — «До-ре-ми-фа-соль». 19.35 — **«Ахборот».** 19.55 — **Марҳабо, талантлар.** Жиззах область бадиий ҳаваскорларининг чиқиши. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** Швеция — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Янгиликлар. 10.15 — Кинофильм. 10.55—Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.35 — **Экран ҳандаси.** 12.15 — Ота-оналар учун консультация. 13.40 — Телеспектакль. 14.50 — «Замандас». 15.30 — Ёш оналарга маслаҳат. 16.00 — **Оламга саёҳат.** 17.05 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 17.35 — МОСКВА. **Мўъжизасиз мўъжизалар.** 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Ўрзра» вокал чолғу ансамблининг концерти. 19.40 — Совет Иттифоқи чет эллик дўстлар ниғоҳида. 20.00 — Телеспектакль. 22.00 — Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Совет киноси усталари. Юрий Никулин. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

30 МАРТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.45 — **«Ахборот».** 18.00 — Партия — давримизнинг ақл-идроки, шонш-шарафи ва виждони. 18.30 — Ўн минут музика. 18.40 — **«Ахборот».** 19.00 — СССР халқлари VI спартакиадаси. Бокс. 21.00 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Мушоира этади давом. 23.10 — **Экран ҳандаси.** 23.50 — МОСКВА. Спорт программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Янгра, барабан. 10.45 — «До-ре-ми-фа-соль». 11.25 — Кўча ҳаракати қоидаларини ўрганамиз. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Ота-оналар учун консультация. 13.40 — Наврўз байрами. 15.40 — Ўз ҳуқуқлари учун курашда. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Киноэкран янгиликлари. 17.35 — МОСКВА. **Киносаёҳатчилар клуби.** 18.35 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Шимол байрами». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Музикали кўрсатув. 20.30 — **Запас ўйинчи** (бадиий фильм). 22.00 — Ўқув кўрсатуви. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

Миллионни қандай ўғирлаш керак? — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 16.00, 21.00).

Исмингни ёдингда тут — «ҚОЗОҒИСТОН» (10.00, 16.44, 19.00, 21.00).

Бороро қабиласининг сири — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш министрлиги коллегияси Наманган область бошқармасига қарашли 12-йўл қуриш бошқармасининг бошлиғи

Асқар Исоқович ИСОҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультети коллективи доцент Х. М. Охуновга укаси

Маҳмуд ОХУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 03305. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 69.